

Сийрат дарслари (201-дарс). Силаи раҳмни узувчи инсон жаннатга кирмайди



00:00 / 22.10.2022 3499

774. Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир киши бировни мақтади. Шунда у зот бир неча марта: **«Ҳолингга вой! Дўстингнинг бўйнини кесдинг! Дўстингнинг бўйнини кесдинг!»** дедилар. Сўнгра: **«Сизлардан ким ўз биродарини мақташдан бошқа чораси бўлмаса, «Мен фалончини шундай деб ўйлайман, Аллоҳ унга кифоядир. Мен Аллоҳга ҳеч кимни покдомон демайман, мен уни бундайбундай деб ўйлайман», десин. Агар унда ўша нарса борлигини аниқ билсагина»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

775. Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қариндошлик алоқасини (силаи раҳмни) узувчи жаннатга кирмайди», дедилар».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

776. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Силаи раҳм қилувчи берганга яраша қайтарувчи эмас, балки силаи раҳм қилувчи ўзининг қариндошлик алоқалари кесилганда уни боғловчидир»,** деганларини эшитдим».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан